



Кипрнинг фатх этилиши

828-хижрий йил Рамазон ойининг 21-санасида (1425 йил 6 август) мамлуклар султони ал-Ашраф Сайфуддин Барсбейнинг флоти Кипр киролиги – Учинчи салиб юриши давомида Кипрда асос солинган Кипр киролигини фатх этишни бошлади. Бу юриш кипрлик карокчиларнинг Шомга хужумига жавобан ташкил килинганди. Оролга тушгач, Миср султонининг профессионал мамлук жангчилари ва кўплаб кўнгиллилардан иборат кўшини Фамагуста ва унинг атрофини вайронага айлантирди, кейин Лимассол ва Ларнакага юриш килди. 828-йил Рамазон ойида Кипр кироли Янус II кучларига каттик хужум натижасида кейинги йил унинг кўшини мағлубиятига замин тайёрланди. Янус Миср ва Шомга карокчилик хужумларини тўхтатибгина колмай, ўзини Миср султонининг

вассали деб тан олиб, мамалакатларга ўлпон тўлашга мажбур бўлди.

Султон ал-Ашраф Сайфуддин Барсбей - буржийлар сулоласидан Мисрнинг тўккизинчи хукмдори бўлган. У келиб чиқиши бўйича черкаслардан бўлган ва сулола асосчиси – 1832 йилда бахрийлар сулоласини ағдариб, тахтга чиккан черксиялик собик чўпон Султон Баркукнинг озод килган кули бўлган. Ал-Ашраф Сайфуддин Барсбей Мисрда бир катор ислохотларни амалга оширди, давлатнинг харбий кучларини мустахкамлади ва Мисрга Кизил денгиздан ўтган Ямандан Европага ўтадиган савдо йўллари устидан мутлак ҳуқуқларни тақдим этди.

Зудлик билан хал килиниши зарур бўлган асосий муаммолардан бири Кипрда ўрнашиб олган салибчилар томонидан таҳдидлар эди. Ал-Ашраф Сайфуддин Барсбей 1422 йилда – Кипр, Киликия Арманистони ва Куддус кироли Янус II Мисрга хужум килганидан сўнг бир йилдан кейин тахтга чикканида, у жавоб зарбасига пухта тайёргарлик кўра бошлади. Биринчидан, у 1424 йилда Лимассолга хужум килган кичик флотни жўнатган, 1425 йилда еса Кипрга 40 дан ортик кемадан иборат куч юборган эди. 828 йил Рамазон ойида ўз вазифасини бажариб бўлгач, мусулмонлар Мисрга кўплаб асирлар ва бой ўлжа билан кайтдилар.

Бирок, асосий душман – мусулмонларга жуда кўп азоб-укубатлар келтирган салибчилар бошлиги ва Кипр кироли – озодликда, кўпоровчилик фаолиятини давом эттирди. Шунинг учун келаси йил, яъни 1426 йилда мамлуклар кўшини оролга кенг микёсда хужум бошлаб юборди. Мамлуклардан, турклардан ва араблардан иборат уч минг кишилик мусулмонлар кўшини Кипрга кирди. Уларнинг ҳаракатларини 180 кемадан иборат флот кўллаб-куватлади. Ўтган йилдагидек Лимассаол эгалланди. Янус ўз кучларини тўплаб Никосиядан Лимассолга юриш килди. У мусулмонларга қарши қурашда ёрдам бериш учун Европа давлатларига мурожаат килди. Бирок улар аралашмасликка қарор қилишди: Генуя Кипрга душманликда эди, венецияликлар ва бошқа христиан давлатлари Миср билан қулай савдо алоқаларини бузишни истамади.

829-хижрий йил Рамазон ойининг 1-санасида (1426 йил 7 июль) Широкития яқинида хал қилувчи жанг бўлиб ўтди. Мисрликлар кўшини Янус армиясини тор-мор қилди, қиролнинг ўзи асир тушди ва Кохирага олиб кетилди. Бу ерда минглаб мусулмонларни йўқ қилган салибчилар бошлиги хорланди. У оёқ-қўлларига қишан солиниб, султоннинг олдида эшакка миндириб ўтилди. Шундан сўнг у тиз чўктирилиб, Миср хукмдори ўтган ерни тўккиз марта ўпди. Янус унга қатта пул тўлангунга қадар ўн ой асирликда қолди. Унинг баъзи шериклари ҳам ўзларини асирликдан сотиб олдилар. Қеракли микдорда пул топа олмаганлар қулликка сотилди.

Сулх шартларига кўра, Кипр Миср султониға хар йили 5000 олтин дукат ўлпон тўлаши шарт эди. Шуниси диққатга сазоворки, Кипр салибчилар ҳукмронлиги тугаганидан сўнг (50 йил ўтиб) ҳам бу ўлпонни тўлашда давом этган.